

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№2 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-2>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Murodova Mo'tabar Ibodullayevna TILAKLAR VA OLQISHLARNI NUTQIY AKTLAR SIFATIDA LINGVISTIK NUQTAI NAZARDAN TAHLILI...	5
2. Yusupova Soxiba Islombek qizi O'ZBEK BOLALAR O'YIN QO'SHIQLARIDA ATOQLI OTLARNING QO'LLANILISHI.....	9
3. Lolayeva Gulniso Geldiyorovna GAZETA MATNINING UMUMIY VAZIFALARI.....	13
4. Sharopova Ra'no, Karimova Latofat HOZIRGI O'ZBEK TILIDA "TARBIYA" LEKSIK-SEMANTIK MAYDONI TARKIBI VA TASNIFIQA OID QARASHLAR.....	18
5. Намазова Манзура Ураковна ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И ЧАСТИ ИММИГРАНТОВ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	24
6. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna AMPHIBOLOGY IN ENGLISH RELIGIOUS LEXICOLOGY.....	32
7. Esirgapov Mukhiddin Nizomiddinovich THE INFLUENCE OF THE INTERNET AND DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE ENGLISH LANGUAGE.....	37
8. Karimova Dilorom Shavkatovna VERBAL AND NON-VERBAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF "DEATH" AND "LIFE".....	43
9. Narzullaeva Dilnoza Sanatovna CONCEPTUAL METAPHOR THEORY: EXPLORING THE ROLE OF METAPHOR IN CONCEPTUALIZING ABSTRACT CONCEPTS.....	48
10. Шахзод Турниязов ЎЗБЕК ТИЛИГА ҚИЛИНАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРДА МУАЛЛИФ УСЛУБИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР (О. ГЕНРИ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА).....	52
11. Matkarimova Gulira'no Abdullayevna XALQ OG'ZAKI IJODI VA MIFOLOGIK MANBALARDA UCHRAYDIGAN FITONIMLARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.....	63
12. Алена Ялмагиевна Иванова ВЛИЯНИЕ КОНФУЦИАНСТВА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ЭМОЦИЙ.....	68
13. Yunusova Gulshoda Dilshadovna EKVIVALENTLIK VA FE'L VALENSIYASI.....	80
14. Eshboyev Qahramon Bakir o'g'li O'ZBEK TILI SINONIMIK LUG'ATLARIDA DARAJALANISH METODOLOGIYASI.....	85
15. To'liboyeva Gulnura Baxadir qizi PEYZAJ BADIY VOSITA SIFATIDA (O'ZBEK VA QORAQALPOQ SHE'RIYATI MISOLIDA).....	91
16. Холбобоева Нилуфар Бахтиёр кизи НАВОИЙГА ТАХМИС.....	96
17. Сайымбетов Шарафатдин Уракбаевич И. ЮСУПОВНИНГ «ДАЛА АРМОНЛАРИ» ПОЭМАСИДА ИНДИВИДУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	102
18. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	106
19. Xolova Muyassar Abdulhakimovna O'ZBEK SHEVALARIDA FONETIK O'ZGARISHLAR (Surxondaryo viloyati misolida).....	111
20. Malika Soliyeva INGLIZ TILIDAGI INTONATSIYANING AYRIM FONOSTILISTIK XUSUSIYATLARI.....	118
21. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА.....	122


22. Xurinsa Xudoyberdiyeva TROPLARNING USLUBIY XUSUSIYATI (Xosiyat Rustamova lirikasi misolida).....	128
23. Israilova Sayera Tashpulat qizi INTERFAOL USULLAR ORQALI INGLIZ TILIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH (Tarix yo‘nalishi talabalari uchun).....	133
24. Israilova Sayera Tashpulat qizi INGLIZ XALQ ERTAKLARI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINFI O‘QUVCHILARIDA O‘QISH KO‘NIKMASINI RIVOJLANTIRISH.....	137
25. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	143
26. Робиға Мамбетова ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	149
27. Ҳамидулла Годжиев ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УМУММАЪРИФИЙ – УМУМАДАБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	154
28. Ergashova Rano Turaevna LINGUISTIC FEATURES OF AVIATION TERMINOLOGY IN ENGLISH, RUSSIAN, AND UZBEK LANGUAGES: SPECIFICITIES AND COMMONALITIES.....	160
29. Bobir Maxammadov MIKROSOFT VINDOVS OPERATSION TIZIMI TERMINLARINING LEKSIKOGRAFIK TAVSIFI MASALALARI: MUAMMOLAR VA VAZIFALAR.....	170
30. Xalimova Firuza Rustamovna POETIK MATNDA BADIY KONSEPTLAR VA METAFORALARNING KOGNITIV-ESTETIK TALQINI.....	176
31. Комила Мамадиёрова ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА.....	182
32. Матлуба Шукурова ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ.....	187
33. Tashkulova Zarnigor “SHARQ” KONSEPTI SEMANTIK MAYDONIDA PEYZAJNING IFODALANISHI (S. MOEM HIKOYALARI MISOLIDA).....	195



Комила Мамадиёрова

Самарканд давлат чет тиллар институти
ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН ТАБИАТИ ХУСУСИДА

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.17087388>

АННОТАЦИЯ

Атоқли отларнинг лисоний хусусиятларига қараб, адабий ва диалектал, поэтик, замонавий ва тарихий назарий ва амалий турларга бўлинади. Ономастика атоқли номларни олган объектларнинг тоифаларига мувофиқ бир неча бўлимларга бўлинади. Маълумки, ономастик номлар тарихий ўзгариш жараёнларини, жамиятнинг маълум бир даврлардаги жойлар, ижтимоий ҳудудлар, тарихий шахслар, бино ва иншоотлар, ижтимоий объектларнинг аҳамиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Мазкур мақолада ономастик қатламнинг тарих, география, этнография, социология, психология, адабиётшунослик каби турли соҳаларга алоқадорлиги ва инсон фаолиятининг барча қирралари билан боғлиқлиги уларни тадқиқ этишнинг интеграцион характерини тақозо этиши хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тарихий ономастика, географик ономастика, номларнинг шахс психологиясига таъсири, эпоним, поэтоним, фанлар интеграцияси.

Комила Мамадиёрова,

преподаватель Самаркандского государственного института иностранных
языков, самостоятельный соискатель

ИНТЕГРАЦИОННАЯ ПРИРОДА ОНОМАСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

АННОТАЦИЯ

В зависимости от языковых особенностей именитых существительных различают литературно-диалектный, поэтический, современный и исторический теоретико-практический типы. Ономастика делится на несколько разделов в соответствии с категориями предметов, получивших именитые имена. Известно, что ономастические названия являются важным источником при изучении процессов исторических изменений, значимости для общества в определенные периоды времени мест, социальных территорий, исторических личностей, зданий и сооружений, социальных объектов. В данной статье говорится о связи ономастического слоя с различными областями истории, географии, этнографии, социологии, психологии, литературоведения, а также со всеми аспектами человеческой деятельности, что требует интеграционного характера их исследования.

Ключевые слова: историческая ономастика, географическая ономастика, влияние имен на психологию личности, эпоним, поэтоним, интеграция наук.

Komila Mamadiyороva,
Samarkand State Institute of International
Languages teacher, Independent researcher

INTEGRATIONAL ONOMASTIC UNITIES CHARACTERISTICS

ABSTRACT

depending on the linguistic characteristics of noble horses, it is divided into literary and dialectal, poetic, modern and historical theoretical and practical types. Onomastics is divided into several sections according to the categories of objects that have received the names of Proverbs. It is known that onomastic names are an important resource in the study of the processes of historical change, the importance of places, social regions, historical figures, buildings and structures, social objects in certain periods of society. This article talks about the involvement of the onomastic layer in various fields such as history, geography, ethnography, sociology, psychology, literary studies and its connection with all facets of human activity assumes the integrational nature of their research.

Keywords: historical onomastics, geographical onomastics, influence of names on personality psychology, eponymy, poetonymy, science integration.

Ономастик бирликларнинг интеграцион табиати уларни тилшунослик, тарих, география, этнография, социология ва психология каби қатор фанлар билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Зеро, ономастика бундай фанлар учун муҳим маълумотлар манбаи ҳисобланади. Ономастик номлар орқали халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва шахснинг психологик хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Тарихий ономастик номлар тарихий ўзгариш жараёнларини, жамиятнинг маълум бир даврлардаги жойлар, ижтимоий ҳудудлар, тарихий шахслар, бино ва иншоотлар, ижтимоий объектларнинг аҳамиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Масалан, шахс ёки жой номлари орқали тарихий жараёнлар ўрганилади.

Жалололиддин Мангубердиннинг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар катта кўшин билан Озарбайжонга бостириб кириб **Мароғ**, **Табриз**ни эгаллаб (1231 й.) Жалололиддин Мангубердини таъқиб этишган. **Майофарик**нинг вилоятидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги хужум натижасида Жалололиддин Мангубердиннинг оз сонли кўшинини тор-мор келтирадilar, унинг ўзи эса таъқибдан қутулиб **Курдистон** тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи курдлар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган.[1;62]

Муҳаммад Юсуф шеърида эса Жалололиддин (Жалололиддин Мангуберди), Курдистон каби тарихий номлар поэтоним сифатида юрт, миллат ўтмиши билан боғлиқ воқеликларга ишора қилувчи воситага айланган.

Жалололиддин – Курдистонда,

Бобуринг – Ҳиндистонда,

Бу қандай юз қаролиғ, деб

Ётарлар зимистонда,

Тарқаб кетган тўқсон олти

Уруғимсан, Ватаним... (Муҳаммад Юсуф)

География ва Ономастика фанлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жой номларининг келиб чиқиши, маъноси ва географик тарқалишини ўрганишда муҳим рол ўйнайди. География фани жой номларининг географик жихатдан тарқалишини ва бундай номлар генезиси (келиб чиқиши) ҳудуднинг табиий хусусиятлари билан боғлиқлигини ўрганишда Ономастика билан ҳамкорлик қилади. Жой номлари муайян бир ҳудуднинг табиий шароитлари (рельеф, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дарё, кўл, канал ва бошқа сув объектлари) билан боғлиқ бўлиши мумкин: Қўштепа, Иссиқкўл, Қизилқум каби.

З.Хуррамова ва Ч.Махмудовалар география фанини ўқитишда топоним ва гидронимларнинг ёзилишига эътибор қаратиш кераклигига урғу бериб, шундай ёзадилар: “Номланишнинг нозик томони, унинг биттагина товушининг янглиш ёзилиши туфайли,

топоним мазмунининг тамоман ўзгариб кетишидан иборатдир. Натижада ўша ном тамоман бошқа бир маъно касб этади. Масалан: Яккабоғ туманидаги Калтакўл қишлоғининг биргина “қ” ҳарфи ўрнига “к” ҳарфининг қўлланиши туфайли Калтакўл тарзида ёзилишини мисол қилиш мумкин. Бу ерда Калтакўл иккита маъно-мазмун касб этмоқда. Дастлабки Калтакўл – қисқа қўл каби анатомик маъно касб этса, иккинчидан калтакўл – қўл учида яшовчи, яъни фақирликда яшовчилар каби ижтимоий маъно касб этади. Агар “қ” ўрнига “к” ҳарфи қўлланилса, у калта, қисқа юмалоқ қўл, яъни гидронимга айланиб қолганлигини кўрамиз.”[2;602] Хулоса қилиб айтганда, географик маълумотлар ономастик тадқиқотларни, ономастик маълумотлар эса географик тадқиқотларни бойитади ва худуднинг тарихий ва маданий меросини ўрганишга имкон беради.

Этнография ономастик номларнинг маълум бир этнос маданияти, урф-одатлари ва анъаналари, рамзлари билан боғлиқлигини ўрганади. Масалан, исмлар орқали оилавий қадриятларни аниқлаш мумкин. Ҳ.Хасановнинг таъкидлашича, “Жой номларига қараб қадимий савдо йўллари, қабила ва тилларнинг тарқалиши, қалъа ва манзилларнинг ўринлари, сув ва довларнинг хосиятлари, фойдали қазилмалар, чўлларда қудуқлар бор-йўқлиги, жойнинг ўсимлик, ҳайвонот ҳамда иқлимий хусусиятлари, хунар-касб, тарихий воқеалар, афсона-ривоятлар ва бошқа хил маълумотларни билиб оламизки, булар ҳаммаси халқ хўжалиги, маданиятимиз тарихи учун жуда муҳимдир.[3;89] Ҳ.Хасанов Марказий Осиёда жой номларига айланган этнонимлар (халқ, қабила, қавм номлари)нинг рўйхатини келтиради ва бу жойларда қадимда шундай қабилалар истиқомат қилган деб бемалол айтиш мумкин, деб ҳисоблайди: Анди, Малик, Тайлоқ, Манғит, Ўғуржали, Қангли, Минг, Тўртовул, Балиқчи Қарлуқ Найман Қорамурт, Очамайли, Қорақўйли, Жалойир, Кенагас, Сарой, Қўнғирот, Лақай, Сулдуз[4; 11]каби. Этнонимдан топонимга кўчиш асосида шалланган бундай номлар эпоним ҳисобланади.

Масалан, биргина жалойир уруғи яшаган ва яшайдиган жойлар мисолида буни кузатиши мумкин: “**Жалойир** – ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган йирик элатларидан биридир. Ўзбек жалойирларининг кўпчилиги Тошкент ва Бухорода, Нурота тоғ этакларида, Жиззах, Каттакўрғон томонларда, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида яшаганлар ва яшайдилар. Ҳозирда республикамизда **Жалойир** номли қишлоқлар кўп учрайди. Фарғона вилоятининг Бувайда, Бағдод, Учқўприк, Риштон, Қува, Фурқат, Наманган вилоятининг Норин, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Нарпай, Тошкент вилоятининг Қибрай, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Қизирик, Жиззах вилоятининг Зомин туманларида Жалойир номли қишлоқ ва қўрғонлар бор”[5;43].

Эпоним (қадимги юнонча ἐπώνυμος - ном берувчи, латинча *hegos eponimus*) деб аталувчи тил ҳодисаси ном беришнинг ўзига хос шаклидир. Эпоним атамаси бир хил номланган икки тушунча ўртасидаги аниқ муносабатга асосланади:

- 1) атоқли отлардан турдош от ҳосил қилиш, ва аксинча, турдош отнинг атоқли отга айланиши. Масалан, ватман - оқ рангли зичланган қоғоз бўлиб, 1770-йилларда англиялик қоғоз ишлаб чиқарувчи Ж.Ватман томонидан яратилган. Ж.Ватман (атропоним) – ватман (турдош от); юлдуз, райхон (турдош от) – Юлдуз, Райхон (антропоним).
- 2) бир атоқли отдан бошқа турдаги атоқли отнинг пайдо бўлиши. Мас, Алишер Навоий (антропоним) – Навоий вилояти (топоним).

Социология ономастик бирликларнинг ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва қатламлар билан боғлиқлигини чуқур ва кенг қамровли тарзда ўрганади. Масалан, фамилия, кунялар орқали – оиланинг ижтимоий мавқеини аниқлаш мумкин. Ономастик номлар ижтимоий стереотиплар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, айрим этник гуруҳларга мансуб исмлар маълум бир ижтимоий синф билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки фамилиялар оиланинг тарихи, касби, яшаш жойи ёки этник келиб чиқиши ҳақида маълумот бериши мумкин. Айрим фамилиялар тарихан юқори ижтимоий мавқега эга бўлган оилаларга мансуб бўлиб, насабга ишора қилувчи хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бундай фамилиялар жамиятда ҳурмат билан қабул қилиниши ва шахснинг имкониятларини ошириши мумкин. Антропонимлар гуруҳига кирувчи лақаблар ижтимоий гуруҳлар ичида шахсни идентификация қилиш, унинг муайян

гуруҳга мансублигини белгилаш ва гуруҳ аъзолари ўртасида алоқа ўрнатиш учун хизмат қилиши мумкин. Хусусан, жиноят оламида бу муҳим белги ҳисобланади. Бадиий матнларда бундай лақаблар персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзига хослигини кўрсатувчи ном сифатида танланади.

Зелихоннинг лақаби “**академик**” эди. Бунга сабаб – у пухта ўйлаб олиб, сўнг ишга киришарди. Унинг бошқалардан фарқи – одамлар руҳиятини албатта ҳисобга оларди. Лозим бўлганда катта идораларга бошқа бир идора бошлиғидай бемалол кириб чиқаверарди. Эшик оғзидаги соқчига киборлик билан сўз ташлаб, “ҳа, ўтирибсанми” деб кириб кетаверарди....

– Қотиллар кимлигини ўзи сенга айтади. Сен уларни ўлдирасан. Шу билан орани очиқ қилади.

– Лақиллатиб, бошқа одамни кўрсатса-чи?

– Йў-ўк. **Ўқилон фирромлик қилмайди.** Фирромга суянган одам бу оламда узоқ яшай олмайди. **Ўқилон – фигура!** – Зелихон шундай деб кўрсаткич бармоғи билан ҳавода ундов белгисини ясади. (Т.Малик, “Шайтанат”)

Баъзан топонимлар ҳудуднинг ижтимоий тарихини акс эттириши мумкин. Масалан, ижтимоий ҳудудларнинг номлари у ерда яшаган халқлар, содир бўлган тарихий воқеалар ёки ҳудуднинг иқтисодий аҳамияти ҳақида маълумот бериши мумкин. Масалан, Совет социалистик республикалари иттифоқи (СССР/ССРИ) сунъий шакллантирилган маъмурий тузилма номи сифатида маълум бир давр амал қилгандан кейин унинг таркибидаги мамлакатлар яна асл ҳолига қайтди ва бу ном ўз-ўзидан барҳам топди.

Топонимлар ҳудуд аҳолисининг ижтимоий идентификациясини шакллантирувчи асос ҳисобланади. Масалан, инсон ўз туғилиб ўсган юрти билан фахрланиши ва ўзини унинг бир қисми деб ҳис қилиши мумкин.

О, ота маконим,

Онажон ўлкам,

Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.

Сендай меҳрибон йўк,

Сенингдек кўркам,

Римни алишмасман бедапоянгга. (Муҳаммад Юсуф)

Шундай қилиб, социология ономастик бирликларнинг ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва қатламлар билан боғлиқлигини ўрганиш орқали жамиятнинг ижтимоий тузилиши, муайян гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни, жамиятдаги ижтимоий жараёнларни чуқурроқ англашга ёрдам беради. Ономастик маълумотлар ижтимоий тадқиқотлар учун муҳим манба ҳисобланади.

Психология исмларнинг шахснинг ўзига бўлган муносабатига, унинг характериға, ҳаёт тарзига таъсирини ўрганади. Бунда мифологик тасаввурларнинг инсон онгига таъсирини ҳам кузатиш мумкин. Психология ва ономастика ўртасидаги муносабатлар жуда қизиқарли ва кўп қиррали бўлиб, асосан, шахс номлари билан боғлиқдир.

Бир томондан, Ономастика, атоқли отларни ўрганувчи фан сифатида шахснинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, индивидуаллик хусусиятлари, хулқ-атвориға таъсир этувчи бир қатор муҳим жиҳатларни ўрганишда ёрдам беради.

Иккинчи томондан, яъни Психология нуктаи назаридан эса Ономастика куйидагиларни ўрганишга имкон беради:

1. Исмнинг шахсга таъсири. Исмлар шахснинг ўзига бўлган муносабатини ижобий ёки салбий томонга ўзгартириши, ўзлигини ҳис қилиши ва ўз қадрини баҳолашини шакллантириши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баъзи исмлар (кўпинча ижобий маънога эга бўлган ёки жамиятда қабул қилинган) шахснинг муваффақияти ва ижтимоий қабул қилинишига ижобий таъсир қилиши мумкин. Аксинча, ноодатий ёки салбий маънога эга исмлар шахснинг ўзига бўлган ишончини пасайтириши ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Исмлар ва оилавий алоқалар. Оилавий исмлар ёки анъанавий исмлар оилавий алоқаларни мустаҳкамлаш, оила аъзолари ўртасида ўзига хослик ҳиссини яратиш ва авлодлар ўртасида боғлиқликни таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Масалан ўзбек менталитетида

бобо ва бувиларнинг исмларини кейинги авлодларга қўйиш анъанаси кенг тарқалган. Шунингдек, исм танлаш жараёни оилавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни акс эттириши мумкин.

3. Антропонимлар ва маданият. Антропонимлар маданиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Улар маълум бир халқнинг тарихи, дини, анъаналари ва қадриятларини акс эттириши мумкин. Антропонимларни ўрганиш орқали маданиятлараро фарқларни, миллатларнинг ўзига хослигини ва ижтимоий ўзгаришларни тушуниш мумкин.

4. Исмларни хотирада сақлаш. Психология исмларни хотирада сақлаш ва эслаш механизмларини ҳам ўрганади. Исмларнинг бошқа шахслар билан боғлиқлиги, уларнинг маънолари ва тез-тез такрорланиши хотирани кучайтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Онимлар ва брендлар. Маркетинг ва рекламада брендларнинг номларини яратишда психологик ёндашув муҳим рол ўйнайди. Атаб қўйилган ўринли ва жозибадор ном истеъмолчиларнинг брендга бўлган муносабатини, унга бўлган ишончини ва сотиб олиш қарорини шакллантириши мумкин.

Адабиётшуносликда шахс, жой, маънавий-маърифий номларнинг ёзувчи бадиий ниятини амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, персонажлар характерини очиб бериш, миллий колорит ҳосил қилишдаги аҳамиятини ўрганишга эътибор қаратилади. Айниқса, тарихий мавзудаги бадиий асарда қўлланиладиган атоқли отлар алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятдаги тарихий-маданий даврлар таъсирида тил тизимидаги ўзгаришларни кузатишга имкон беради. Тарихий асарларда қўлланиладиган тарихий шахсларнинг исм, куня, тахаллуслари, уларда ифодаланган семантик бўёқдорлик, уларнинг прагматик имкониятлари - ижтимоий мақом кўрсаткичлари, "гапирувчи" поэтонимларнинг этимологик семантикаси, "периферик" онимларнинг тематик гуруҳлари, маълум бир хронотоп билан боғлиқ эскирган поэтонимларнинг турлари кўриб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ж ҳарфи. // <https://Ziyouz.com/kutubxonasi> Б. 62
2. Хуррамова З.Э., Махмудова Ч.И. Мактаб ўқувчиларига топонимларнинг тўғри ёзилиш тартибларини ўргатиш // *Academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 4 | 2020.* – Б. 607-613
3. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент: Фан, 1965. Б. 89
4. Даниярова Ш.Х. Истиклол даври романларида миллий руҳ ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фанл. докт. ... дисс. автореферати–Т., 2012. – Б.11
5. Жавбўриев М.М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 1991. – Б.43
6. Ахмаджонов Н.З. Шеърятда қўлланилган поэтонимларнинг функционал семантик вазифалари // <https://docviewer>
7. Бекмуродов Н. Чиройли исмлар тўплами. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 376 б.
8. Давидян М.В. Онимы в художественном дискурсе Бориса Акунина: семантика и прагматика // *Гуманитарные и социальные науки* 2012. № 5. – С.211-219.
9. Тошова Г. Ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни // *Международный научный журнал* № 8 (100) «Новости образования исследование в XXI веке» март, 2023. – Б.144 - 153
10. Худайберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини : Филол .фан. д-ри дисс...автореф. – Тошкент, 2015.
11. Федотова К.С. Зависимые онимные перифразы в лирике Н.Гумилева. // *Гуманитарные и социальные науки* 2018. № 1. – С.115- 121
12. Веселовский С.Б. Ономастикон.М.: Наука, 1974.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 2 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 2

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000